


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Давлат иштирокидаги корхоналарнинг сони камаяди

Президентнинг «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (27.10.2020 йилдаги ПФ-6096-сон) қабул қилинди (ҳужжат матни «СБХ» ушбу соннинг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

Бош вазир бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўлиқ ўрганилди ва иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушини кескин қисқартириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ҳужжат билан:

- 1) трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва ҳўжалик бирлашмалари рўйхати;
- 2) корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати;

3) хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибдорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активлари рўйхати;

4) давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар рўйхати;

5) хусусий секторга сотиладиган давлат кўчмас мулки объектлари рўйхати;

6) 4-иловада кўрсатилган давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдоларга чиқарилишини самарали ташкил этиш бўйича масъул шахслар рўйхати;

7) Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.


Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти ташкил этилмоқда. Унинг асосий вазифалари этиб 1-иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналарда қуйидагиларни амалга ошириш белгиланди:

➤ Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи,



НОРМАТИВ ЛОЙИХА

2021 йилда республика бюджети нимадан шаклланади



«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Қонун лойиҳаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг

Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган.

Қонун лойиҳасида 2021 йил учун республика бюджети даромадлари прогнози келтирилган, млрд сўмда:

Республика бюджети даромадлари – 120 160,4

1. Бевосита солиқлар – 32 353,1.
 - 1.1. Фойда солиғи – 26 047,2.
 - 1.2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 6 305,9.
2. Билвосита солиқлар – 60 204,0.
 - 2.1. Қўшилган қиймат солиғи – 46 955,4.
 - 2.2. Акциз солиғи – 9 950,2.
 - 2.3. Божхона божи – 3 298,4.
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи – 12 922,8.
4. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар – 14 680,6.

Ҳужжатнинг лойиҳасида 2021 йил учун мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари қуйидаги миқдорларда келтирилган:

| Ижарага бериладиган мол-мулк тури | Белгиланган ставка миқдорини таъсирловчи кўрсаткич | Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда | | |
|---|--|---|---|-----------------------|
| | | Тошкент | Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги шаҳарлар | Бошқа аҳоли пунктлари |
| Уй-жойлар: турар жой нотурар жой | Умумий майдоннинг 1 кв. метри учун | 14 000 29 000 | 8 500 17 000 | 4 000 7 500 |
| Автомобиль транспорти: ➤ енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси) ➤ микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари | 1 та автотранспорт воситаси учун | | 575 000 1 150 000 | |

Изоҳ. Кўрсатилган ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида қўлланилади.

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг юқори чегарасини ЯИМга нисбатан 5,4% миқдорда белгилаш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида молия йили якуний санаси ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзи қолдиғининг миқдори бу йил ЯИМга нисбатан 60%дан ошмаслиги назарда тутилган.

2021 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида ички ва ташқи қарзларни жалб

қилиш бўйича йиллик имзопанадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми \$5,5 млрд, шундан, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – \$2,2 млрд (шужумладан, давлат қимматли қоғозлари – 5 трлн сўм), инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – \$3,3 млрд миқдорда белгиланади.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Баҳодир Бухорий.

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

УМШ: иссиқлик учун тўловга доир 14 савол

7-БЕТ

Штат қисқартирилиши: қайси бухгалтер ишда қолади?

8-БЕТ

Янги Меҳнат кодекси лойиҳаси: иш вақти қандай ҳисобга олинади

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг сони камайди

← **1-бетда** мулкдор) ваколатлари ва функцияларини амалга оширишни ташкил этиш;

➤ 2021 йил 1 апрелга қадар – 2019–2020 йиллар учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;

➤ 2021 йил 1 апрелга қадар – ҳар бир корхона учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб қилган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

➤ 2021 йил 1 июлга қадар – харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

➤ 2021 йил 1 июлга қадар – кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувиغا халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30%ини ва корхона бошқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигига:

➤ 2020 йил 1 декабрга қадар рақобат муҳитига таъсир қиладиган имтиёз ва преференцияларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш бўйича қарор лойиҳасини Президент Администрациясига киритиш;

➤ 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди.

Агар 4-иловада кўрсатилган корхоналар соф активларининг давлат акция пакетлари (улушлари)га нисбатан пропорционал қиймати 100 млн сўмдан ошмаса, улар истисно тариқасида, соф активларининг пропорционал улушига тенг ёки соф активлари

устав капиталидан кам бўлганда номинал қийматда оммавий савдоларга қўйиб берилади.

Давлат активларини бошқариш агентлиги 1 ноябрдан бошлаб мазкур 4 ва 5-иловаларда кўрсатилган корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектларини оммавий савдоларга чиқаради.

Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига қўйидаги қўшимча ваколатлар берилди:

➤ мазкур 4 ва 5-иловаларда кўрсатилган давлат акция пакетлари (улушлари), кўчмас мулк объектлари баҳоланган нархда оммавий савдоларда 3 ой муддат давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич нархини Давлат активларини бошқариш агентлигининг таклифига асосан қайта белгилаш;

➤ Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан сотилиши белгиланган давлат активларини сотиш шартлари ва шаклларини белгилаш;

➤ кўчмас мулк объектлари ва келгусида шаклландириладиган давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни сотиш шартлари, савдо тури ва оммавий савдолардаги бошланғич нархини белгилаш.

4-иловада кўрсатилган корхоналар:

а) давлат акция пакетлари (улушлари) битта лот асосида савдога чиқарилади;

б) оммавий савдоларга чиқарилган қиймати 100 млн сўмдан ошмаган давлат акция пакетлари (улушлари) 3 ой давомида сотилмаган тақдирда, қўйидаги тарзда қайта савдога чиқарилади:

➤ улушлар – «1 сўм» бошланғич нархда,
➤ акция пакетлари – «1 та акция – 1 сўмдан битта лот» тамойили асосида.

Давлат объектларини «ноль» харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилинади. Улар ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорларига асосан инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида «1 сўм» бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқарилади.

Давлат унитар корхоналари ҳўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда уларнинг давлат акция пакети (улуши) сотилади. 4-иловада кўрсатилган корхоналарни ҳўжалик жамиятларига ўзгартиришда уларнинг устав капитали хатлов ва баҳолаш ўтказмаган ҳолда солиқ органларига топширилган охириги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматида, соф активлари манфий бўлган тақдирда, корхона устав капитали миқдориди белгиланади.

Давлат активларини сотиб олувчилар тўловларни қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти асосида амалга ошириши мумкин. Давлат улушларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш шартномалари доирасида белгиланган графика асосан қисман тўловни амалга оширган хариддорларга тўлиқ тўловлар амалга оширилгунга қадар улуш қийматининг тўланган қисмига мутаносиб равишда жамият бошқарувида иштирок этиш ва дивидендлар олиш ҳуқуқи асосида «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» эгаллик сертификати берилади. Давлат кўчмас мулк объектларини сотиб олиш шартномалари доирасида қисман тўловни амалга оширган хариддорларга сотиб



олиш тўловини тўлиқ амалга оширгунга қадар «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» давлат ордери берилади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар махсус иқтисодий зоналар фаолиятига ташқи бошқарувни жорий этиш ҳамда уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш топширилди.

Давлат активларини бошқариш агентлигига ТИВ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистоннинг чет элда жойлашган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан уларни сотиш, ижарага ёки ишончли бошқарувга бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш топширилди.

Давлат активларини бошқариш агентлигига Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда «E-ijro aukcion» ягона электрон савдо майдончасида ўтадиган оммавий савдолар жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, субъектив ёндашувларни тўлиқ истисно қилиш ва хариддорларга қулайлик яратиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминлаш топширилди:

➤ 2021 йил 1 январга қадар – «E-ijro aukcion» ягона электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган савдолар тартиб-таомилларини бирхиллаштириш бўйича ягона тартибни тасдиқлаш ва унинг асосида давлат органлари билан ўзаро интеграция қилинган савдо майдончасининг такомиллаштирилган дастурий таъминотини ишга тушириш;

➤ 2021 йил 1 январдан бошлаб – барча аукцион савдолари натижаларини QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштириш;

➤ давлат кўчмас мулки объектлари ва улушларини сотиш бўйича такрорий аукцион савдоларини ҳар 10 календарь кунда бир маротаба даврийликда амалга ошириш;

➤ хариддорларнинг таклифларини аукционда лотлар эълон қилинган пайтдан бошлаб қабул қилиш;

➤ давлат активларини сотиш шартларига мувофиқ бўлган буюртманома фақат бир нафар талабгор томонидан берилган бўлса, ушбу ягона иштирокчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, бундан «1 сўм» бошланғич нархда савдога чиқарилган давлат улуши ва кўчмас мулк объектлари мустасно.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 28.10.2020 йилдан кучга кирди.

Эльмира Сиразиева.

Реклама

**«КИЧИК КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН
БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўллаб-қўллаш
тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1-
Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

– 2021 йилда республика бюджетни нимадан шаклланади

1-бет

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Иситиш учун янгича тўлаймиз:

манфий ва мусбат жиҳатлар

– Тартиб тартибсизлик билан

алмашиб қолмаслиги учун ёки

иссиқлик учун тўловга доир

14 савол

– Қарзни тўламасангиз – бутун

уйдаги иссиқликни ўчириб қўямиз

– Ахлат учун қандай тўланади:

прописка жойи бўйичами ёки яшаш

жойи бўйичами?

– Учта квартира – битта овоз

– Квартира мулкдорларини

қўшнилар ҳуқуқига риоя қилишга

мажбур қилишади

3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ


– Бухгалтерлардан қай бирини

бўшатиш мумкин

– Меҳнат кодекси: иш вақтини

ҳисоблаймиз

7-8-бетлар



Маърифий мавзудаги тўплам*

МУНДАРИЖА:

- ✓ Иситиш учун янгича тўлаймиз: манфий ва мусбат жиҳатлар
- ✓ Тартиб тартибсизлик билан алмашиб қолмаслиги учун ёки иссиқлик учун тўловга доир 14 савол

- ✓ Қарзни тўламасангиз – бутун уйдаги иссиқликни ўчириб қўямиз
- ✓ Ахлат учун қандай тўланади: прописка жойи бўйичами ёки яшаш жойи бўйичами?
- ✓ Учта квартира – битта овоз
- ✓ Квартира мулкдорларини қўшнилар ҳуқуқига риоя қилишга мажбур қилишади



Долзарб мавзу

Иситиш учун янгича тўлаймиз: манфий ва мусбат жиҳатлар

2020–2021 йилларда иситиш мавсуми бошланиши билан Ўзбекистонда марказлаштирилган иситиш хизматлари учун тўловларни амалга оширишнинг янги тартиби ишга туширилди. Истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар иситиш даврининг ҳар бир кунига 1 кв.м иситиладиган майдон ҳисобида тўлаш тизимига ўтказилади. Биз аввалги даврлардагидек бутун йил учун эмас, фақат иситиш даври учун тўлай бошлаймиз. Бу Президентнинг «Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида (2.12.2019 йилдаги ПҚ-4542-сон) назарда тутилган. Янги тўлов тизимига ўтишга нималар сабаб бўлди ҳамда унинг қандай ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд?

Иссиқлик таъминоти учун тўлов – коммунал тўловлар соҳасидаги энг оғриқли нуқталардан ҳисобланади. Гарчи иситиш даври 5 ой давом этган бўлса-да, илгари истеъмолчиларга юкни камайтириш мақсадида тўлов муддати бутун йил учун тенг равишда тақсимланган. Иситиш мавсумида биз аслида қанча иссиқлик энергиясини истеъмол қилишимиз маълум эмас. Биздаги кўп квартиралар уй-жой фонди абонентларга уйдаги ҳақиқий иссиқлик истеъмолини назорат қилиш,

ортиқча сарфларга йўл қўймаган ҳолда ресурснинг сифати ва ҳақиқатдаги ҳажмини қайд этиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш имконини берувчи на умумий уй иссиқлик ҳисоблагичлари, на квартиралараро ҳисоблагичлар билан жиҳозланмаган.

Шунинг учун биз ҳақиқатдаги истеъмол хусусида гапира олмаيمиз. Иситиш учун ҳисоб-китобларда бизда ўртача кўрсаткичлар билан ишланади. Бу эса истеъмолчиларнинг етказиб берувчиларга бўлган ишончини сусайтиради.

*Тахририят ихтилофили вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмақлашшига ваколатли эмас.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Иситиш даврининг ҳақиқатдаги давомийлиги ўрнига ўртача олинган «сузувчи даври»да тарифни шакллантириш чоғида шаффофликнинг мавжуд бўлмаслиги абонентларга иссиқлик етарлича етказиб берилмаганлигини қайта ҳисоб-китоб қилиш, белгиланган нормативларга жавоб бермайдиган хизмат учун ҳисобланмалар тўри ёки нотўғри қилинганлигини тушуниб етиш анча мушкул бўлади.

Иссиқлик учун тўловнинг янги тизими нималарни ўзгартириши мумкин? Бу тизимга ўтилганда ҳисоб-китоблар фуқаролар учун анчайин тушунарли бўлишига умид бор. Одамлар қайси даврда иссиқлик бўлмаганлигини ҳисоблашлари, буни далолатномалар билан тасдиқлашлари, етказиб берувчига тўлов ҳақини камайтириш тўғрисида талабнома тақдим этишлари, ҳисобланган ҳақни текширишлари ҳамда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкин. Истеъмолчи ҳисобланган суммага рози бўлмаган тақдирда ҳақни бутун йил учун тўлайдиган тизимдан кўра бу ҳолда адолатга эришиши осонроқ кечар эҳтимол. Лекин бу кўпинча истеъмолчилар ҳуқуқларини бузувчи монополист қоидаларга риоя этиши шарти билан амалга ошади. Акс ҳолда эски ҳаммом – эски тослигича қолаверади.

Иситиш учун тўлов деярли тизим жорий этилишидан олдинги даражада сақланиб қолади. Ҳозирги кунда етказиб берувчилар одамлар бизга «Иситиш мавсуми 5 ой давом этади-ю, нимага бунинг учун биз йил мобайнида, ҳатто иссиқлик ўчириб қўйилган бўлса ҳам тўлайверамиз?» деган саволни кўп беришар эди. Бу тизимни улар ўзлари сўраб олишгандек бўляпти энди. Ўзлари норози бўлишган эди – мана энди уларга янги тизим, дейишади етказиб берувчилар. Аслида масала улар айтгандек эмас, албатта. Янги тўловлар тизимига ўтилаётганда истеъмолчиларга ғамхўрлик қилинган, деб ўйлаш соддалик бўлур эди.

Албатта, илгари энг қиммат хизмат учун тўлов бутун йилга чўзиб юборилгани сабабидан унинг оғирлиги сезилмас эди. Эндиликда эса фуқаролар хавотирга тушган: иситиш мавсумида 2 бараварга оширилган тўловни уддалай олишадими? Бу улар учун жуда оғир чиқим бўлмасмикин? Квнтантиялардаги катта рақамлар истеъмолчиларнинг «капалагини учириб юбормасмикин»? Бунда олдинда турган ярим йиллик даврда иссиқлик учун ҳисобланмалар



нолга тенг бўлишини эслатиб истеъмолчини овунтириб бўлармикин?

Иссиқлик учун тўловнинг янги тизимидан биринчи навбатда етказиб берувчилар манфаатдордирлар. Бунда иқтисодиёт, тармоқнинг манфаатлари кўзланади, аммо ислохотлардан истеъмолчилар манфаати кўзланиши керак, акс ҳолда улар ижтимоий мазмунини йўқотади. Истеъмолчи хизматлар сифати яхшиланиши, хизмат кўрсатиш даражаси оширилишини талаб қилади. Етказиб берувчи истеъмолчиларнинг ақсарияти одатда коммунал хизматлар учун охириги тўловларни амалга оширадиган йил охирини кутиб туролмайди. Етказиб берувчи йил давомида иситиш таъминоти тизимини янгилаш, модернизация қилиш, капитал таъмирлаш, самарадор энергия технологиялари ва бошқаларга маблағ киритиши керак. У иситиш мавсумидан ташқари вақтда келгусидаги ишлар учун маблағга эга бўлишдан манфаатдор. Тўловларнинг янги тартиби истеъмолчиларни тўлов интизомини мустақкамлаш бобида сергак тортирармикин ёки, аксинча, улар учун оғир юк бўлиб тушиб, тўланмай қолган ҳақларнинг янада ошиб кетишига олиб келармикин – бунини вақт кўрсатади. Аммо эндиликда етказиб берувчининг ҳисобланган ва ҳақиқатдаги иситиш даврлари ўртасидаги фарқланишдан фойдаланган ҳолда «куф-суф»лар билан шуғулланишига имкон камаяди. Бу аса айни истеъмолчилар манфаатига хизмат қилади.

Тартиб тартибсизлик билан алмашиб қолмаслиги учун ёки иссиқлик учун тўловга доир 14 савол

Иссиқлик учун ҳақ тўлашнинг янги тартиби жорий этилиши билан боғлиқ турли хил саволлар иситиш мавсуми бошлангандан буён давом этмоқда. Тўловнинг янги тизими Президентнинг ПҚ-4542-сон қароридан назарда тутилган. «Тошиссиққуввати» ДУК ўзининг расмий сайтида янгиликка доир жиҳатларни батафсил ва атрафлича тушунтиргани йўқ, аслида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига кўра шундай қилиши керак эди. Ижтимоий тармоқларда муассаса вакилларнинг айрим саволларга бераётган жавоби истеъмолчилар учун етарли эмас. Балки етказиб берувчиларнинг ўзлари ҳам бу борада аниқ маълумотларга эга эмасдирлар. Фуқароларда барча ҳаракатлар уларнинг манфаати йўлида қилинаётганига ишончсизлик бор. Айтишади-ку, биз яхши томонини ўйлагандик, лекин доимгидек бўлиб чиқди, деб. Аввалига қарорлар қабул қилишади-да, кейин улар қандай ишлаши ҳақида бош қотиришади. Пировардида фуқаролар ҳар қандай янгиликка норозилик ва хавотир кўзи билан қарайдилар. Иситиш учун ҳақ тўлашга доир янгиликлар борасида энг кўп бериладиган саволларга тўхталиб ўтамиз.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Фақат иситиш мавсумида тўлаймиз

1. Иситиш учун тўловнинг янги тартиби жорий этилиши билан нималар ўзгаради?

Эндиликда истеъмолчилар марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун авваллари бўлгани каби йил давомида (12 ой учун) тенг қисмларга бўлиб эмас, балки фақат иситиш мавсумида ҳақ тўлайдилар. Тўлов иситиш даврининг ҳар бир кунига 1 кв.м иситиладиган майдон ҳисобидан амалга оширилади.

2. Иссиқлик таъминоти хизматлари учун қайси тарифда ҳақ тўлаймиз?

Тошкентда иситиш даврининг ҳар бир куни учун ҳар бир иситиладиган 1 кв.м майдон учун 142 сўм миқдоридаги тариф ўрнатилган.

3. Кўп квартирали уйларда иситиш даври қачон бошланади?

Иситиш даври Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатларда бошланади ва тамомланади.

Иситиш даври ташқи ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 8°Сдан паст бўлган 5 кунлик давр тамом бўлган кундан кейинги кундан бошланиши, 8°Сдан юқори бўлганда эса тамомланиши керак (*Қоидаларнинг 13-б., 15.07.2014 йилдаги 194-сон ВМҚга 1-илова*). Пойтахтда 2020–2021 йиллардаги иситиш даври кўп квартирали уйлар учун 2020 йил 17 октябрдан бошланган.

4. Қайси пайтдан эътиборан янги тартибда ҳақ тўлаш бошланади?

Кўп квартирали уйларда иситиш учун янги тартибда ҳақ ҳисоблаш иситиш даври бошидан бошланади. Тошкентда 2020–2021 йиллардаги иситиш даври 2020 йил 17 октябрдан бошланган.

Жисмоний шахслар иссиқлик таъминоти хизматлари учун тўловларни иситиш давридаги тамом бўлган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечикмай амалга оширадilar (*Қоидаларнинг 98-б.*).

Тариф оширилмаяпти, балки оптималлашяпти

5. Иситиш учун янги ҳақ тўлов олдингидан қимматга тушмайди?

Етказиб берувчиларнинг гапига қараганда, аслини олганда тариф эмас, тўлов тизими ўзгармоқда. Гап бу ерда тарифнинг оширилиши хусусида эмас, балки тўлов тизimini оптималлаштириш хусусида кетаётди. Шунга қарамай, иситиш учун тўлов олдингидан кўп ҳам, кам бўлиши мумкин. Илгари биз иситиш учун бутун йил давомида тенг қисмларда бўлиб, шу жумладан иситилмайдиган давр учун ҳам ҳақ тўлаганмиз. Эндиликда эса тахминан ўша суммани фақат иситиш даврида тўлаймиз. Тариф аввалларида бўлгани каби ойма эмас, балки иситиш мавсумининг бир кунига боғлаб қўйилган. Иситиш даври об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлади, шунинг учун сумма ҳам ёки кўп ёки кам бўлади. Тўлов ҳам шунга яраша — олдинги йилдагидан биров юқори ёки биров паст. Ёндашув оддий:

бизга иссиқликни қанча кун узатишса, шунча кун учун ҳақ тўлаймиз-вассалом. 2018–2019 йилларда иситиш даври 135 кун, 2017–2018 йилларда — 148 кун давом этган бўлса, 2019–2020 йиллардаги иситиш даври пандемия вақтида у чўзиб юборилиши муносабати билан 165 кунни ташкил этди. Илгари КМК 2.01.01-94 «Лойиҳалаш учун иқлим ва физик-геологик маълумотлар»га мувофиқ тарифда йилда 148 сутка атрофида давом этадиган ўртача иситиш мавсуми ҳисобга олинар эди.

6. Иситиш даври учун тўлов ҳақи қандай ҳисобланади?*

Бу масалани эски ва янги тўлов схемалари мисолида кўриб чиқамиз.

Квартирадаги иситиладиган майдон 43,23 кв.м ни ташкил этади.

Иситиш таъминоти хизматлари учун олдинги тариф — 1 кв.м иситиладиган майдон учун иситиш даврида ойига 1 772 сўм.

Иситиш таъминоти хизматлари учун янги тариф — 1 кв.м иситиладиган майдон учун иситиш даври кунига 142 сўм.

Ҳозирча бизга 2020–2021 йиллар иситиш даврининг кунлари сони маълум бўлмагани сабабли ўртача кўрсаткични оламиз — 148 кун. Иситиш мавсумининг якуний куни белгилангандан кейин унинг кўпайиши ёки камайишига қараб тузатишлар киритилаверади.

Йил давомида иситиш тўловининг олдинги тартиби:

43,23 x 1 772 x 12 ой = 919 242,72 сўм йилда.

Иситиш мавсуми даври учун иситиш тўловининг янги тартиби:

43,23 x 142 x 148 иситиш даври кунлари = 908 521,68 сўм.

Тўлов ҳар икки ҳолда деярли бир хил.

Қайта режалаштириш иситиладиган майдонни кенгайтириши мумкин

7. Иситиладиган майдонга нималар қиради?

Иситиладиган майдон — турар жой хоналарининг умумий майдони. Иситиш асбоблари (иситиладиган юзалар билан) ёки иссиқлик таъминотининг уй ички тизимларига уланган хоналарга бирлаштирилган ҳолда қайта режалаштирилган (иситиладиган юзалар билан) пешайвонлар, балконлар, айвонлар ва террасалар майдони иситиладиган майдон ҳажмига қиради (*Қоидалар 2-б. 14-хатбошиси*). Яъни янги тизим бўйича биз олдинги иситиладиган майдон учун тўлаганимиз каби тўлаймиз.

8. Пешайвонга батарея ўрнатилган. Пешайвон иситиладиган майдон бўлиб ҳисобланадими?

Ҳа, Қоидаларнинг 2-бандига мувофиқ иситиш асбоблари уланган пешайвон майдони иситиладиган майдонга қиради, бунинг учун истеъмолчи ҳақ тўлаши керак.

9. Квартирада қайта режалаштириш амалга оширилган. Пешайвон билан хона ўртасида пешайвонга батарея ўрнатилмаган ҳолда арка-камар ўрнатилган. Бу ҳолда пешайвон иситиладиган майдон бўлиб ҳисобланадими?

Ҳа, ҳисобланади. Қоидаларнинг 2-бандига кўра, иссиқлик таъминотининг уй ички тизимларига уланган хоналарга бирлаштирилган ҳолда қайта режалаштирилган пешайвонлар майдони иситиладиган майдон ҳажмига қиради.

Аванс тўловлари қайта ҳисоб-китоб қилинади

10. Кам таъминланган ошлалар ва пенсионерлар учун иситиш мавсумида ҳақ тўлаш оғир юк бўлади. Бу тўловни олдингидек бутун йилга тақсимлаб юбориб, 12 ой мобайнида тўлаб босса бўладими?

«Тошиссиққуввати» ДУК вакилининг сўзларига кўра мумкин. Бу ҳолда истеъмолчида иситиладиган давр учун қарзи ҳамда иситишлар оралиғи даври учун олдиндан тўлови ҳосил бўладики, бу суммани қарқорлаштириш лозим бўлади. Лекин бу истеъмолчи учун ҳисоб-китобларни мураккаблаштиради, улардаги хатолар эса етказиб берувчи билан низоларга олиб келиши мумкин.

11. «Тошиссиққуввати»нинг бўлинмалари иссиқлик таъминоти учун аванс тўловларини қабул қилади-ми? Аванс билан ҳақ тўлаганда мазкур хизматлар учун тариф ошган тақдирда истеъмолчи қўшимча тўловларни амалга ошириши лозим бўладими?

Абонентлар аванс тўловларини киритишлари мумкин. Истеъмолчи (жисмоний шахс) ушбу даврда тегишли тарифлар ошган тақдирда иссиқлик таъминоти хизматларига аванс билан тўловларга (тўлов кунидан бошлаб ўн икки ойдан ошмайдиган даврга) қўшимча тўловлар тўлашдан озод этилади.

Истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти хизматларига аванс тўланганда етказиб берувчи иситиш ва иссиқ сув таъминотига тўлов пайтида амалда бўлган тарифлар бўйича тўлов ҳисобланади (аванс тўловлар мuddатига, бироқ ўн икки ойдан ортқққа эмас) (Қоидаларнинг 95-б.).

Уйда батареялар муздек бўлса-чи...

12. Истеъмолчи иситиш учун ҳақ тўлаётганда иссиқлик энергияси етарлича етказиб берилмаслиги, ўчириб қўйилиши, авария ҳолатини қайд этиш учун қайси қонун ҳужжатларига таяниши керак бўлади?

Уй-жой кодексининг 133-моддасида истеъмолчиларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тўлаши назарда тутилган. Қоидаларнинг XII бўлимида белгиланган давомийликдан ошувчи танафуслар билан етказиб беришда иссиқлик таъминоти хизматлари учун тўлов миқдорини ўзгартириш, иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги ҳолатини аниқлаш тартиби баён этилган. Шунинг қайд этиш лозимки, бу муҳим аҳамиятга эга вазият, шу сабабли ҳисоб-китоб қилиш тартиби унинг учун иссиқлик энергиясини етказиб беришга шартнома шартларида бу ўз аксини топган бўлиши лозим.

13. Истеъмолчида хизмат кўрсатилмаган ёки бу хизмат белгиланган нормативларга мувофиқ келмаган бўлса-ю, лекин етказиб берувчи бу унинг айби билан эмас, балки УМШнинг айби билан содир бўлганлигини рўқча қилса, мазкур ҳолда истеъмолчи

ҳақ тўлаши керакми? Истеъмолчи қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозим?

Иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги ва зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганлиги ҳолатини аниқлаш тартиби Қоидаларнинг XIII бўлими билан тартибга солинади. Истеъмолчи иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги тўғрисида етказиб берувчини ёзма шаклда ёки оғзаки тарзда хабардор қилиши зарур. Агар етказиб берувчи вазиятдан хабардор бўлмаса, у вазиятни жойига бориб текширади. Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилиб, уни истеъмолчи ва етказиб берувчи (ёки уларнинг вакиллари) имзолайди.

Агар томонлар масала юзасидан ягона қарорга келолмасалар, у ҳолда иссиқлик энергияси сифати қайта баҳоланади, унга маҳаллий давлат ҳокимияти органи, стандартлаштириш органлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ташкилотлари таклиф этилади. Иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тўлов миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос ҳисобланадиган далолатнома тузилади. Агар етказиб берувчининг белгиланган сифат нормативларига мувофиқ келувчи коммунал маҳсулотни иссиқлик таъминотининг умумий уй тизимига кирувчи қисмигача етказиб берилганлиги тан олинса, бундан кейинги жавобгарлик умумий уй тармоқларининг ҳолати учун жавоб берувчи ХУМШ ёки БК зиммасига юклатилади. Бу ҳолда етказиб берувчи етказиб берилган коммунал маҳсулот учун тўловни ҳисоблайди, истеъмолчилар эса қолган масалаларни ХУМШ ёки БК билан ҳал қиладилар.

Аванс билан тўланда.

Қайта ҳисоб-китоб қандай қилинади?

14. Иситиш учун тўловнинг янги тизимиди 2020 йил учун аванс тўловлари қай тарзда қайта ҳисоб-китоб қилинади?*

Юқоридаги 6-бандда келтирилган ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда бутун 2020 йил учун иситишга аванс билан тўловлар 919 242,72 сўмни ташкил этди.

Бу тўловларнинг қайси қисми янги иситиш мавсуми тўловлари ҳисобига ўтади?

«Тошиссиққуввати» мутахассисларининг сўзларига кўра, олдинги иситиш мавсуми учун тўлов 2 августга қадар ҳисоблаб ёзилган, 3 августдан эса тўхтатилган.

3 августдан 31 августга қадар бўлган қолдиқ маблағларни аниқлаймиз.

1 ой учун иситиш қиймати 76 603,56 сўмни (43,23 x 1 772) ташкил этади.

Августда 31 кун борлигини ҳисобга олган ҳолда 3 августдан иситиш қийматини ҳисоблаймиз:

76 603,56 / 31 x 29 = 71 661,39 сўм.

1 сентябрдан 31 декабрга қадар бўлган (4 ой) тўлов миқдорини ҳисоблаймиз:

43,23 x 1 772 x 4 = 306 414,24 сўм.

3-31 август ва сентябрь-декабрь учун тўловларни қўшамиз:

71 661,39 + 306 414,24 = 378 075,63 сўм.

Мазкур сумма янги иситиш мавсумида олдиндан тўлов ҳисобланади.

Бу сумма иситиш даврининг қанча кунига этади?

1 кун учун тўлов 6 138,66 сўмни (43,23 х 142) ташкил этади.

Юқорида ҳисобланган олдиндан тўлов суммасидан келиб чиқиб кунлар сонини аниқлаймиз:

378 075,63 / 6 138,66 = 61.

Тошкентда иситиш мавсуми 17 октябрдан бошланди. Демак, 2020 йилнинг охиригача иситиладиган кунлар сони 76 кундан (октябрнинг 15 кунини + ноябрнинг 30 кунини + декабрнинг 31 кунини) иборат бўлади.

Йил охиригача 466 538,16 сўм (142 х 43,23 х 76) тўлаб қўйиш керак.

Агар олдиндан тўлов 378 075,63 сўмни ташкил этса, у ҳолда қўшимча тўлов 88 462,53 сўмни (466 538,16 – 378 075,63) ташкил этади.

**Фейсбукдаги «ХУМШ ва у билан қандай яшаймиз» гуруҳида келтирилган ҳисоб-китоблардан фойдаланилди.*

Қарзни тўламасангиз – бутун уйдаги иссиқликни ўчириб қўямиз

Иситувчилар иситиш ҳақини тўламайдиганлар билан курашишнинг янги йўлини топишди. Истеъмолчилар билан қарздорликни қисқартириш борасида иш олиб бориш ўрнига, ваҳоланки ўзлари томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат ва қоидаларда айнан шу нарса ёзилган, улар таҳдид солиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний хатти-ҳаракатлар йўлини танлашди. Пойтахтдаги турар-жой мавзелаарида тўловларни тўламаганлар қарзларини тўлашлари талаб қилинган эълонларнинг жойлаштирилиши одатий ҳолга айланган. Қарз тўланмаган тақдирда иссиқ сув бутун уйда ўчириб қўйилиши билан таҳдид қилинган. Амалиётда шундай қилинаёпти ҳам. Бутун уйдаги иссиқ сув ўчирилмаган тақдирда, жилла курса, алоҳида тик қувурларга сув етказиб берилмаёпти. Шу тариқа, қарздорлиги борлар билан бирга коммунал хизматлар ҳақини мунтазам тўлаб борувчи қўшиллар ҳам азият чекаётирлар.

Монополист истеъмолчилар билан муносабатларни қонунларга эмас, ўзи билганига таяниб ўрнатар экан, қонунчиликка беписандлик, жазоларни четлаб ўтишликни яна бир бор ошқора намойиш этмоқда. Қай тарзда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузиш ҳамда уларга риоя қилмаслик мумкинлигини кўрсатмоқда. У ҳолда истеъмолчилардан нима истаёпти?

Албатта, коммунал хизматлар учун ҳақ тўланиши зарур. Бироқ етказиб берувчи қарздорлар билан ишламаса, ишлаши хоҳламаса, бундан инсофли истеъмолчилар азият чекмаслиги керак-ку.

Нима бўлганда ҳам иссиқлик таъминоти шартномаси етказиб берувчи ва алоҳида истеъмолчи билан тузилади. Бу шартнома кўп томонлама ҳужжат ҳисобланмайди. Иссиқлик таъминоти тўлови бўйича мажбуриятларни бажармаган алоҳида истеъмолчилар учун назарда тутилган чораларни уйдаги бошқа истеъмолчиларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Шунинг учун етказиб берувчи бутун уйга хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиши мумкин эмас.

Шартнома ва Қоидаларда истеъмолчи иссиқлик қуввати етказиб берилганлиги учун тўловни ўз вақтида тўламагани учун бир томонлама ундан ўчиртириб қўйили-

ши назарда тутилган. Бошқа шахсларга нисбатан қилинган бу каби хатти-ҳаракатлар шартнома, Қоидалар ҳамда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг етказиб берувчи томонидан бузилиши ҳисобланади.

Фуқаролик кодекси меъёрларига мувофиқ агар истеъмолчи хизматларга ҳақ тўласа,

етказиб берувчи мажбуриятларини бажариши шарт. Аванс тўловлари амалга оширилганда истеъмолчи кредитор, етказиб берувчи эса қарздор ҳисобланади. Қўшилларнинг қарздорлиги эвазига ундан иссиқ сувни ўчириб қўйиш – номақбул иш.

Антимонопол қонун ҳужжатларига кўра етказиб берувчининг бунга ўхшаш хатти-ҳаракатлари бозордаги монопол ҳолатни суиистеъмол қилиш ҳисобланади.

Иссиқлик қуввати учун ҳақ тўламаслик масалаларини қатъий ҳал қилиш ҳуқуқий маконда эмас, кўпроқ техник маконда турган муаммодир. Бунга уй-жой фондини коммунал маҳсулотнинг параметрларини қайд этиб берувчи иссиқлик қуввати ҳисобини юратадиган яқка тартибдаги асбобларни ўрнатиш, шунингдек иссиқлик қувватини назорат қилиш ва ҳисоблаб боришнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш киради. Мана шу етказиб берувчи билан



истеъмолчи ўртасидаги муносабатлардаги таранглашган торларни юмшатади.

Етказиб берувчи қарздорни иссиқлик қувватидан ўчириб қўйиши мумкин бўлган даврни аниқлайдиган меъёр Қоидаларда назарда тутилган. Гап фақат етказиб берувчи истеъмолчини бу ҳақда хабардор қилганми-йўқми, ана шунда. Истеъмолчи истеъмол қилинган иссиқлик таъминоти хизмати учун **икки ҳафта ўтгач** тўлов тўланмаганда етказиб берувчи қарздорлик ва **7 кундан кейин узиб қўйиш** тўғрисида ёзма хабар беради, хабарнома мuddати тамом бўлгач етказиб берувчи иссиқ сув беришни **узиб қўйишга ҳақлидир** (Қоидаларнинг 100-б.).

Истеъмолчилар тўловларни **уч ойдан ортиқ** тўламаган

тақдирда уларга иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш тўхтатилади (Қоидаларнинг 99-б.).

Яна бир жиҳат бор. Қоидаларнинг 100-бандида иссиқлик таъминоти учун ҳақ тўламаганда истеъмолчини ундан узиб қўйиш механизми ёритилган: «Иссиқ сув бериш истеъмолчи томонидан қарзлар тўлангандан ва етказиб берувчи томонидан тасдиқланган калькуляцияга мувофиқ **абонентни манбадан узиб қўйиш ва унга улаш ишлари** учун қўшимча ҳисоб тўлангандан кейин тикланади». Демак, ҳақ тўламаганлик учун яқка тартибда узиб қўйиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Лекин етказиб берувчи ана шундай имкониятни таъминлашни истамагани ёки бу ишни амалга оширолмагани учун инсонли истеъмолчи азият чекиши керакми?

Ахлат учун қандай тўланади: прописка жойи бўйича ёки яшаш жойи бўйича?



Мен бир манзилда пропискдан ўтганман, лекин бошқа манзилда яшайман. Менга ҳар иккала жойда ахлат учун ҳақ ёзишади.


Шу иш адолатданми? Прописка қилинган жойимда мен 3 йилдан буюн яшамайман. Шундай экан, мен чиқинди чиқармаган бу жойимда нима учун пул тўлашим керак?

Ахлат учун ҳақ қай тарзда тўланади: прописка жойи бўйича ёки яшаш жойи бўйича? Бу масала қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади?

– Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар ҳақи ҳақиқатда истиқомат қилаётган жой бўйича тўланади. Бу масалан Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидалари (6.02.2019 йилдаги 95-сон ВМҚга 1-илова) билан тартибга солинади.

Агар, абонент манзили бўйича ҳеч ким истиқомат қилмаган ёки кам шахслар истиқомат қилган тақдирда, у Санитар тозалаш маркази ёки унинг мутахассисига абонент тўғрисидаги маълумотга тузатишлар киритиш учун мурожаат қилишга ҳақли. Абонент фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланган, ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар тўғрисидаги далолатномани илова қилади. Маҳалла кўмиталари одатда далолатнома олдиндан уй боши ва бир қанча кўшчилар томонидан тасдиқланган бўлишини талаб қилишади. Шундан кейин Санитар тозалаш маркази далолатномани олган кундан бошлаб уч иш кундан кечикмай Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига тегишли тузатишлар киритади ва қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилади (Қоидаларнинг 38-б.).

Умуман олганда, пойтахтимизда кўп квартиралли уйларда пропискдан ўтган ва уларда яшаётганларнинг аниқ ҳисобини юритиш анча мушкул. Уларнинг миқдори мунтазам ўзгариб туради. Иккиламчи уй-жой фондида уй ёлловчилар, меҳмонлар кўпчилигини ташкил этади. Айримлар шаҳарга келади, бошқалари чиқиб кетади ёки бир киши пропискдан ўтган бўлса-да, беш киши ёхуд ундан ортиқ одам вақтинча рўйхатдан ўтмаган ҳолда ҳам яшай-



веради. Аслида аҳолининг бу қадар кўп ҳаракатланиши, кўчиб юриши жараёнини қамраб олиш мумкин бўлмас керак. Шунинг учун бизда ахлат учун ҳақ тўлаётганлардан кўра яшаётганлар кўпчилигини ташкил этади.

Бинобарин, Қоидаларнинг 6-бобида жисмоний шахслар – қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни тўловчиларни ҳисобга олиш тартиби назарда тутилган. Абонентлар ҳисобини олиб бориш Санитар тозалаш

марказлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда амалга оширилади. Маълумотлар Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига тақдим этилади (*Қоидаларнинг 35, 36-бандлари*).

Хужжатдан келиб чиқилганда, квартирада пропискадан ўтганлар-яшовчилар ҳақидаги ахборотни йиғиш ва унинг тўғрилигига доир асосий юк маҳалла кўмиталари зиммасига юкланади. Улар ҳар ойнинг 5-санасига қадар Санитар тозалаш марказига ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар бўйича маълумот тақдим этиб борадилар. Хусусан, абонент билан бирга истиқомат қилувчи, кўчиб келган ёки кўчиб кетган шахслар, абонентнинг манзили бўйича бир ёки бир нечта бирга истиқомат қилувчи шахслар сонининг ўлим, туғилиш, кўчиб келиш ёки кўчиб кетиш (шу жумладан вақтинча) билан боғлиқ ўзгаришлар ва ҳ.к. кўрсатилади. Маҳалла худудида бир неча ўн минглаб кишилар истиқомат қилиши мумкин. Маҳалла идорасида эса 5–6 киши ишлайди. Бу ишни улар удалай олишармикин? Тўғриси-ни айтганда, удалай олишмайди. Шунинг учун унчалик жиддий киришмайдилар ҳам бу ишга. Бунинг натижасида бизда ҳақиқатда яшаётганларнинг ишончли ҳисоби мавжуд эмас ва ҳали-бери бўлмаसा ҳам керак. Мана шунинг оқибати ўлароқ, кўпинча квартирада 2 нафар киши пропискадан ўтган бўлади, хизматлар учун тўлов ҳақини эса тўрт киши учун ҳисоблашади. Масалани ойдинлаштириш учун

бу икки нафар одамни қаердан олдинлар, деб сўрасангиз: «Кўшингиз айтди» дейишади. Ёки аксинча. Квартирада бир киши пропискадан ўтган, аслида эса 8 нафар меҳмон ёки ижарачилар 2 йилга кўчиб келган. Ахлат учун тўловни эса бир киши номидан тўлашади. Маҳалла кўмитаси маълумотларни Санитар тозалаш марказига жўнатади, Марказ эса, ўз навбатида, уларни Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимига юборади. Амалиётда қандай бўлаётгани турмушимиздан аён.

Ҳисобга олинмаган абонентлар ёки уйдагилар билан бирга бир квартирада яшаётган шахслар бўлса нима қилиш керак? Бу ҳолда қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайси пайтдан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади? Қоидаларнинг 37-бандида ҳақиқатда истиқомат қилувчи шахслар сони ортган (кўчиб кириш, туғилиш ва шу кабилар) вақтдан бошлаб тўлиқ қайта ҳисоблаб чиқилиши назарда тутилган. Бу далил фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки Санитар тозалаш маркази ходими томонидан тузилган далолатнома; ички ишлар органлари томонидан доимий яшаш жойи (шу жумладан вақтинча турган жойи) бўйича рўйхатга олинганлигининг тасдиғи; фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг туғилганлики қайд этиш тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар билан тасдиқланади. Тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда эса – ўтган 3 ой учун ҳисоб-китоб қилинади.

Учта квартира – битта овоз

? *Уйда учта квартирага эга бўлган мулкдорнинг манфаатларига дахл қилувчи мунозарали вазият юзга келди. Масаланинг ҳал этилиши ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига олиб чиқилди. Сайлов вақтида мазкур мулкдор янги уй-жой қонунчилигига кўра умумий йиғилишда 3 овозга эга эканлигини айтди. Бу масалани унинг фойдасига ҳал қилиш мумкинлигини аниқлар эди.*


Бу ўринда УМШ ҳақими?

Умумий йиғилишда у қанча овозга эга бўлади – 1 ёки 3 тами, бу масала қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади?

Яна бир ҳолат. УМШ аъзоларининг умумий йиғилишида жойларнинг мулкдорлари иштирок этиши керак. Лекин кўпинча йиғилишга мулкдорнинг ўзи эмас, турмуш ўртоғи – эри ёки аёли келишади, овоз беришда қатнашишади, қарорлар қабул қилишади. Қонунчиликда бундай қилиш мумкинми?

– Ширкатнинг ҳар бир аъзоси ширкат аъзолари умумий йиғилишида бир овозга эга бўлади. Демак, УМШ бир нафар аъзосининг уйда нечта квартирага эга бўлишидан қатъи назар, умумий йиғилишда қарор қабул қилишда 1 та овозга эга бўлади.

Янги уй-жой қонун ҳужжати УМШ аъзосининг эри (хотини), агар улар бирга яшаётган бўлса, ушбу аъзонинг номидан ширкат аъзолари умумий йиғилишида ишончномасиз иштирок этиш ва овоз беришга йўл қўяди («Кўп квартиралы уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-м. 5, 6-қисмлари).



РЕКЛАМА



Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

Квартира мулкдорларини қўшниллар ҳуқуқига риоя қилишга мажбур қилишади

Россия Давлат Думасига кўп квартиралли уйларида қўшнилларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси киритилди. Унга мувофиқ мулкдор томонидан унга тегишли бўлган уй-жойга қабул қилинган ҳар қандай шахслар тунги вақтда тинчликни сақлаш, ёнгин хавфсизлиги, санитария-гигиена ва экологик талабларга амал қилишни таъминлашлари лозим.

Экспертларнинг фикрига кўра, кўпинча кишилар квартирани ижарага бериб, бунинг учун ҳақ олади, бироқ ижарачи ёки квартирантлар бу ерда нималар қилиши уларни кизиқтирмайди. Натижада қўшнилларнинг ўзи шовқин-суронни бостиришга мажбур бўладилар. Полиция чақирилгунга қадар қўшниллар тинчлигини



бузувчилар биноларни тарк этишлари мумкин ва озор кўрган томон ўз ҳуқуқларини тиклашда оқибат қилади.

Янги қонун лойиҳасига биноан тинчликни бузганлик учун ушбу талабни бузган ижарачи ёки квартирант эмас, балки айнан квартира мулкдори жавоб беради. Яъни ўз квартирасига одам кўяр экан, уй эгасидан анчайин зийрак бўлиш талаб қилинади. Ижарачилар кўп квартиралли уйларида қабул қилинган талабларни бузгудек бўлса, уй хўжайинига жарима талабномалари кела бошлайдики, бу пулларни унинг ўзи «шовқин шай-долари»дан ундириб олаверади. Бундай вазиятларда квартирадаги шовқин-сурон хусусидаги аризани яқин қўшнилларнинг бир нечтаси тасдиқлаши, бошқарув компанияси эса шовқин даражаси тўғрисида далолатнома тузиши керак.

Экспертларнинг фикрига кўра, бу қийин иш эмас. Қўшнини оғоҳлантириш учун батареяни тақиллатиш ёки жанжаллаштиришнинг ўрнига БКнинг диспетчерлик хизматига кўнглироқ қилинса, унинг ходимлари шовқиннинг даражасини ўлчашади-ю, дарҳол далолатнома тузишади. Шундан кейин Роспотребнадзорга шикоят қилинса, бу ташкилот судга даъво киритади ва мулкдорга жарима солинади.

Қонун лойиҳаси қабул қилингудек бўлса, тунги вақтда қурувчилар билан бўладиган можаролар учун ҳам квартира мулкдори жавоб беради. У кечаси ўз квартирасидаги тинчлик учун жавобгар бўлади. Кўп квартиралли уйда тинчликни бузишга йўл қўйилмайдиган вақт оралиги Россия Федерацияси субъектининг қонуни билан белгиланади.

«Тинчлик» деганда қонунчилик ташаббуси муаллифлари ҳаракатлар манбаи турар жой ёки нотурар жой биноларида бўлган бинодан ташқарида аниқ эшитилиб турадиган ёхуд манбаи турар ёки нотурар жой бўлган ерларда тебранишни унинг ташқарисида аниқ сезиладиган ҳаракатлар содир этилишини назарда тутишган. Инсон турмуш тарзининг одатдаги

товушлари (бола йиғиси, муҳандислик тизимларидаги сув товуши, оддий юрганга қадам товуши ва бошқалар) тинчликни бузиш деб ҳисобланмайди. Шунингдек фуқароларнинг шахсий ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қутқарув, авария-тиклаш ва бошқа ишлар шовқин деб ҳисобланмайди.

Квартирада таъмирлаш ва бошқа ишлар олиб борилганда қонун лойиҳаси мулкдор зиммасига умумий фойдаланиш имконияти бўлган жойларда (уй йўлакларининг эълонлар учун мўлжалланган лавҳалари ёки кўп квартиралли уй жойлашган ер участкалари доирасида) эълон жойлаштирган ҳолда қўшнилларни хабардор қилишни юклайди. Мулкдор, шунингдек, кўп квартиралли уйнинг умумий мол-мулки, шу жумладан муҳандислик коммуникациялари ёки мулкдор томонидан ижарага қўйилганлар турар жой ва нотурар жойларда фуқароларга зарар етказишига йўл қўйилмайди. Зарар етказилган тақдирда, мулкдор зарарни қоплаш бора-сида ижарачилар ёки квартирантлар билан бирга солидар жавобгар бўлади. Бундай мажбуриятларни мунтазам (бир ой мобайнида икки мартадан кўп) бузганлик учун мулкдор маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин.

Масалага бундай ёндашув кўп квартиралли уйларида яшаш шароитлари янада яхшиланишига умид бағишлайди, шу билан бирга қўшничилик ҳуқуқи шаклланишига туртки беради ҳамда умуман қўшниллараро муносабатлар маданиятини юқори поғонага кўтаради. Қонун лойиҳаси ташаббускорлари лойиҳада баён этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жарималарга доир тақлифларни киритишмоқчи.

Интернет материаллари асосида.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Бухгалтерлардан қай бирини бўшатиш мумкин

Ташкилот штатни қисқартиришни режалаштирмоқда. Шу жумладан – бир нечта бухгалтерлар ишлайдиган молия бошқармасида. Улардан фақат бири ишда қолади. Ушбу омаддини қандай мезонлар бўйича танлашни buxgalter.uz илтимосига биноан «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленара ХИКМАТОВА сўзлаб берди.

– Бундай вазиятда иш бевуви ҳал қилишига тўғри келадиган энг асосий масалалардан бири – ходимлардан ким ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуққа эга эканлигидир. Бу ерда ҳам ўз қоидалари мавжуд. «Раҳбариятга бу ёқда – буниси ёқмайди» тамойилига амал қилиш – оқилона иш эмас.

МКнинг 103-моддаси штат қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатишда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимга берилишини буюради.

Малака – бу муайян иш турини бажариш учун зарур касбий тайёргарлик, тажриба, билим ва кўникмалар даражасидир. У маълумоти, малака оширилганлиги, касбга қайта тайёрланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, малака тоифалари (разрядлари) ва ҳ.к. бериш тўғрисидаги комиссиялар баённомаларидан кўчирмалар билан тасдиқланади.

Малака разряди – ходимнинг касбий тайёргарлиги даражасини акс эттирувчи қиймат.

Малака тоифаси, қоидага кўра, иккита кўрсаткични ўз ичига олади: маълумоти ва мутахассислик бўйича иш стаж.

Шу тариқа, малакани баҳолашда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

➢ маълумоти даражаси;
➢ синфлик, даражаси, унвони, тоифаси ва ҳ.к.;

➢ ўз ташаббусига биноан ва иш бевуви йўлланмасига асосан малака оширилганлиги;

➢ бажарадиган ишининг сифати;

➢ малака даражасига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар.

Меҳнат унумдорлигини баҳолашда қуйидагилар инобатга олинади:

➢ унинг учун ўрнатилган ишлаб бериш меъёрларининг, иш ҳажминининг ходим томонидан бажарилиши (ошириб бажарилиши);

➢ натижадорлик;

➢ меҳнат меъёрлари бажарилмаганлиги муносабати билан интизомий жазолар;

➢ меҳнат унумдорлигининг бошқа омиллари.

Винобарин, олий маълумотли ходим эгаллаган лавозими (мутахассислиги, касби) бўйича ўрта



махсус маълумотга эга ходим олдида имтиёзли ҳуқуққа эга, олий тоифали ходим эса – биринчи тоифали ходим олдида имтиёзли ҳуқуққа эга.



Меҳнат унумдорлигини баҳолашда ходимнинг касбий сифатларига боғлиқ бўлмаган ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келмаган меҳнат интизомини бузганлик учун қўлланилган интизомий жазоларни инобатга олиш мумкин эмас.

МИСОЛ. Интизомий жазолар мавжуд бўлганда ходимни танлаш

Ташкилотда икки нафар таржимон ишлайди. Улардан бири вақти-вақти билан ишга кечикиб келади, бунинг учун иккита ҳайфсан олган. Шундай бўлсада, кечикиб келишига қарамай, у ўз ишини ўз вақтида ва сифатли бажаради, ишда тез-тез хато қиладиган ва уни «муддатида» топширмайдиган анча интизомли ҳамкасби ҳақида бундай дейиш мушкул. Мазкур ҳолда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуққа биринчи ходим эга – ҳатто интизомий жазолар мавжуд бўлган тақдирда ҳам.

Агар ходимларда малака ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлса-чи?

Бу ерда эса МКнинг 103-моддаси 2-қисмида назарда тутилган бошқа мезонларни инобатга олишга тўғри келади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик бериллади:

1) қарамоғида 2 ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;

3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;

4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқини тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда 2 йил мобайнида;

5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;

6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Бунда ушбу ҳолатлар санаб ўтилган тартиб аҳамиятга эга эмас. Яъни қарамоғида одамлар бўлган мезон, масалан, корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган мезонга нисбатан «катта салмоққа» эга эмас. Барча ҳолатлар бир хилда инобатга олинади. Винобарин, малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда иккинчи навбатда инобатга олинадиган ҳолатлар сони бўйича устун ходимни ишда қолдиришлари керак.

МИСОЛ. Иккинчи навбатда инобатга олинадиган ҳолатлар сони бўйича танлаш

Битта муҳандис пенсия олди ёшидаги ишсиз онаси билан бирга яшайди ва корхонада 10 йиллик иш стажига эга, бошқасида қарамоғида икки нафар вояга етмаган болалари бор ва мазкур корхонада 20 йиллик иш стажига эга. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил, бироқ имтиёзли ҳуқуқ – иккинчи муҳандисда – сабаби унда иккинчи навбатда инобатга олинадиган ҳолатлар сони кўпроқдир.

Учинчи навбатда, ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилишда жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолатлар инобатга олинади. Бироқ – ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда ва МКнинг 103-моддаси 2-қисмига мувофиқ бир-бирига нисбатан ишда қолдириш афзалликларидан фойдаланишмаса.

Шу тариқа, МКнинг 103-моддаси 2-3-қисмида ўрнатилган ҳолатлар фақат ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қўлланилади. Ҳатто ходим ўз ҳамкасбидан иккинчи ва учинчи навбатда инобатга олинадиган мезонлар бўйича устун бўлса, бироқ малака ёки меҳнат унумдорлигида ён берса ҳам, ишда қолдириш учун у имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмайди.

МИСОЛ. Ходимларнинг малакаси турлича бўлганда танлаш
Биринчи бухгалтерда қарамоғида икки нафар вояга етмаган боласи бор ва корхонада 5 йил иш стажига эга, иккинчисида – унча фар вояга етмаган боласи бор ва мазкур корхонада 15 йил иш стажига эга. Модомики биринчисининг малакаси юқорироқ экан, ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ – биринчи бухгалтерда бўлади.

Меҳнат кодекси лойиҳаси: иш вақтини ҳисоблаймиз

Ўқувчиларимизни Меҳнат кодексининг янги таҳрири лойиҳаси билан таништиришни давом эттирамиз. Эксперт, лойиҳани тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи аъзоси **Алексей НИЯЗМЕТОВ** buxgalter.uz илтимосига биноан иш вақтини ҳисобга олишда нималар ўзгараётганини гапириб берди.

Иш вақтини ҳисобга оламиз

– Иш бевурачининг иш вақтини ҳисобга олиш мажбурияти амалдаги МКда ҳам мустақамланган. Янги кодекс уни қандай тўғри амалга оширишни белгилайди ва жараёнга таъриф беради.

Иш вақтини ҳисобга олиш – бу моҳиятига кўра, ҳар бир ходим томонидан ишлаб берилган вақтни қайд этиш. Турлича ҳисоблаш мумкин. Бу ҳисобга олиш тури ва ҳисобга олиш даврига боғлиқ (кунлик, ҳафталик, жамланган).

Шу билан бирга, умумий қоида бундай: фақат ходим томонидан меҳнат вазибалари ҳақиқатда ижро этилган вақт ва у билан боғлиқ даврларни ҳисобга оламиз. Шу жумладан – ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт, болани овқатлантириш учун танаффуслар, наряд, материаллар, асбобларни олиш, техника, ҳужжатлар билан танишиш, иш жойини тайёрлаш ва йиғиштириш, тайёр маҳсулотни топшириш ва ҳ.к. Бундай ҳолларнинг тўлиқ рўйхатини, МКга таянган ҳолда, локал ҳужжат – иш вақтини ҳисобга олиш сиёсатида (тартибда) акс эттиринг.

Иш вақтидан ташқари ишлар, вақтбай ишлар, хизмат сафарлари ва ички ўриндошлик вақтларини алоҳида қайд этинг.

Иш вақтини ходим иш жойига келган пайтдан бошлаймиз, ҳақиқатда ишдан озод бўлган пайтда эса – тугатамиз.

Қуйидаги вақтларни ҳисобга олмаймиз:

- яшаш жойидан ишга ва ишдан яшаш жойигача;
- кириш жойидан иш жойигача ҳаракатланиш;
- кийим алмаштириш (агар махсус кийим назарда тутилган бўлса);
- келиш ва кетишда рўйхатдан ўтиш.



Ҳисобга олишдан мақсад – ташкилот ўзи учун ўрнатган ҳисобга олиш даври учун иш вақти меъёрлари бажарилишини назорат қилиш. Уни ташкил этмасангиз – мисол учун, иш

ҳақи ҳисоблашда ишлаб берилмаган вақтни ҳисобга олиш ташкилотнинг ўзи учун ўрнатган вақтни ҳисобга олиш даври учун иш вақти меъёрига риоя қилинг. Ушбу меъёрни муайян ходимлар тоифаси учун ҳафталик иш вақти давомийлигидан келиб чиқиб белгиланг. Умумий қоидага кўра, бу 40 соат. Бироқ, мисол учун, I ва II гуруҳ ногиронлиги бор шахслар учун у камроқ – 36 соат.

Жамлаб ҳисобга олишни қўллаймиз

Асосий қоида: агар жамлаб ҳисобга олишни ўрнатган бўлсангиз – ҳисобга олиш даври учун иш вақти меъёрига риоя қилинг. Ушбу меъёрни муайян ходимлар тоифаси учун ҳафталик иш вақти давомийлигидан келиб чиқиб белгиланг. Умумий қоидага кўра, бу 40 соат. Бироқ, мисол учун, I ва II гуруҳ ногиронлиги бор шахслар учун у камроқ – 36 соат.

Ҳисобга олиш даврининг энг кўп муддатини 6 ойгача (илгари – 1 йил) қисқартиришади. Вазибалар Маҳкамаси муддатни 1 йилгача узайтиришга ҳақли, лекин фақат айрим тоифадаги ходимлар учун.

Жамлаб ҳисобга олиш тартиби, унинг муддатлари ва иш ҳақини тўғрилаш учун дастакларни жамоа шартномасида ёки бошқа локал ҳужжатда акс эттиринг. Ушбу ҳужжатни касабга уюшмаси билан келишиб олинг.


Масалан, ягона ҳисобга олиш сиёсатини, жумладан жамлаб ҳисобга олишни, қабул қилиш ва бир марта уни касабга уюшмаси билан келишиб олиш мантиқан тўғридир.

Байрам олди кунлари кимларни вақтлроқ қўйиб юборишмайди

Амалдаги кодекс бўйича байрам кунлари арафасида иш давомийлиги 1 соатга қисқартирилади. Бироқ техник сабабларга кўра фаолиятини тўхтата олмайдиган корхоналар мавжуд: қозонхоналар, эритиш цехлари ва ҳ.к.

Бундай ҳоллар учун МК лойиҳасида ходим учун қисқартирилган кун ўрнига – қўшимча дам олиш вақти тақдим этиш имконияти назарда тутилади. Мажбуран иш вақтидан ташқари ишлар, агар ходим рози бўлса ёки унинг ўзи бу ҳақда илтимос қилса, «қўшимча рағбатлантириладиган пуллар» билан компенсация қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда ҳақни иш вақтидан ташқари ишлар меъёрлари бўйича ҳисоблаймиз – икки ҳисса миқдорда.

Дам олиш учун қўшимча вақт тақдим



этингизми ёки пул билан тўладингизми – буни буйруқ билан мустақамланган ва у билан ходимни таништиришни унутманг. Буйруққа унинг аризасини (розилиги) илова қилинг.

Иш вақтидан ташқари ишларни ҳисоблаймиз

Янги МК иш вақтидан ташқари ишлар соатларини қандай ҳисоблашни белгилайди. Асос – ташкилот ўрнатган иш вақтини ҳисобга олиш тури.

Масалан, кунлик ҳисобга олишда ходим кунлик смена давомийлигидан ташқари «машғул бўлган» барча ишларни иш вақтидан ташқари ишлар деб эътироф этамиз. Одатда – беш кунлик ҳафтада бир кунда 8 соат.

Ҳафта учун иш вақтини ҳисобга олиш меъёри – ҳафталик ҳисобга олишда иш вақтидан ташқари ишларнинг санок бошидир.

Жамлаб ҳисобга олиш мураккаброқ... Ташкилот касабга уюшмаси билан келишган ҳолда ҳисобга олиш даврини белгилайди. У ҳафтадан кўпроқ бўлиши кераклиги мантиқан тўғри. Шундан кейин шу давр учун иш вақти меъёри белгиланади, меъёрдан ортиқча барчаси эса, иш вақтидан ташқари ишлар ҳисобланади.

МИСОЛ. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш

Ташкилот иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни ва ҳисобга олиш даврини – 2 ҳафта ҳисобида ўрнатди. Ушбу ташкилотда стандарт меъёр бўйича (40 соат) ишлашади, зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд эмас, айрим тоифадаги ходимлар ҳам йўқ. Бу параметрларда 80 иш соати (40 x 2 = 80) меъёр бўлади.

Ходим Л.З. Баҳромов 2 ҳафта учун 84 соат ишлаб берди (унинг розилиги ва бошлиқнинг илтимосига биноан, албатта). Буни кадрлар бўлими қайд этди ва бухгалтерияга 4 соат (84 – 80 = 4) иш вақтидан ташқари ишларга ҳақ тўлаш учун маълумотларни берди.

Ёдда тутинг, иш вақтидан ташқари ишларни икки ҳисса миқдорда ҳисоблаймиз.

Натижада ходимга қўшимча 8 иш соати (4 x 2 = 8) учун ҳақ тўлашди.

Барча иш вақтидан ташқари ишларни бажарганлар бўйича битта буйруқ чиқаринг. Асос – ҳисобга олиш даври якуни бўйича маълумотлар (ҳисоб-китоб).

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта шеанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.

Газета ношир – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўсма бичими – А3. Ҳақми – 2 босма табэк. Баҳоси нагшиланган нарҳда.
Бу юртда р-1122, Адади 540. Газета 2020 йил 2 ноябрь соат 17.00 да топширилди.